

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЯКУБОВ ШУХРАТ УММАТАЛИЕВИЧ

**ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ
ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Якубов Шухрат Умматалиевич

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий
механизмларини такомиллаштириш..... 3

Якубов Шухрат Умматалиевич

Совершенствование правовых механизмов сотрудничества между
государством институтами гражданского общества..... 29

Yakubov Shukhrat Ummatalievich

Perfecting of legal cooperation mechanisms between state and civil society
institutions 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЯКУБОВ ШУХРАТ УММАТАЛИЕВИЧ

**ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ
ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Үб60 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич юридик фанлар доктори, профессор Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна юридик фанлар доктори, доцент Миракулов Миравзал Миродилович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Үб.30.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил 27 декабрь куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2018 йил 14 декабрь куни тарқатилди.

(2018 йил 14 декабрь 5 - рақамли реестр баённомаси).

О.Т.Хусанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ж.Н.Нематов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

И.Т.Тулътеев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган нодавлат тузилмалари, турли фуқаролик жамияти институтлари билан давлатнинг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини самарали жорий этишга, унинг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмларини тадрижий ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мақсадли ташкил этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, аҳоли турли қатламларини ташвишга солаётган муаммоларнинг қисқа муддатда бартараф этилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис ривожланган мамлакатларда нодавлат ташкилотлари сони кескин ортиб бормоқда ва ҳозирги кунга келиб улар бир неча ўн миллиондан ортиб кетди. Масалан, АКШда 1,5 млн.дан ортиқ, Францияда 1,2 млн., Буюк Британияда 800 минг, Ҳиндистонда 4,5 млн.га яқин нодавлат ташкилотлари рўйхатга олинган¹.

Жаҳонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва инновацион жиҳатларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, нодавлат тузилмаларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклигини, уларнинг муайян мамлакат тараққиёти, инсонлар фаровонлиги учун кўшаётган реал ҳиссасини ўрганишнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги энг долзарб масалаларни аниқлаб, уларга давлат органларининг эътиборини қаратиш, мазкур жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, шунингдек турли ноҳукумат ташкилотларнинг филантропик ва франдрайзинг фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш каби тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини юксалтириш»² каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини таъминлаш, ижтимоий шериклик ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантиришни тақозо этади.

¹ Проблемы гражданского общества // Обзор зарубежной литературы. –Т., 2018. Апрель. Редакции журнала «Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society». – С. 23-28.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., – № 6., 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Johns Hopkins (АҚШ), Yale Law School (АҚШ), Washington University (АҚШ), The London School of Economics and Political Science (Буюк Британия), University College London (Буюк Британия), Universite Paris 1 Pantheon Н Sorbonne (Франция), Humboldt-Universitat zu Berlin, (Германия), University in Krakow (Польша), Москва давлат университети (Россия) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатларда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: «учинчи сектор» фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, хусусан, франдрайзинг-сервислар (хайрия фаолияти учун маблағ йиғувчи хизматлар), нодавлат ташкилотларининг онлайн рўйхатлари, махсус ахборот порталлари, виртуал ресурс марказлари ва платформалар, шунингдек бошқа стартапларнинг илмий асослари яратилган (Johns Hopkins); давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига оид стратегик ҳужжатлар қабул қилиш ҳамда ҳуқумат ва ижтимоий сектор ўртасида расмий битим тузиш тавсия этилган (Humboldt-Universitat zu Berlin); қонун лойиҳалари бўйича хулоса бериш ваколатига эга конституциявий орган – иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш ташкил этиш зарурати асосланган (Universite Paris 1 Pantheon Н Sorbonne); ижтимоий фойдали фаолият бўйича жамоатчилик кенгашларини ташкил этишнинг методологик асослари ишлаб

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.jhu.edu; www.ecpr.eu; www.yalelawjournal.org; www.politicalsciencenow.com; www.etheses.lse.ac.uk; www.discovery.ucl.ac.uk; www.univ-paris1.fr; www.scholarship.law.duke.edu; www.law.msu.ru; www.dba.uz ва бошқа манбалардан олинган.

чиқилган (University in Krakow); Россия Федерациясининг жамоатчилик палатасини, шунингдек федерал ва ҳудудлар даражасида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳат кенгашларини ташкил этиш илмий жиҳатдан асосланган (Москва давлат университети); фуқаролик жамияти институтлари тараққиётининг асосий мезонларини белгиловчи концепция қабул қилиш зарурати асосланган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси).

Дунёда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: ноҳуқумат ташкилотларининг франдрайзинг ва филантропик фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини шакллантириш; давлатлар томонидан фуқаролик жамияти институтларининг халқаро даражадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмак бериш; нодавлат ташкилотлари фаолиятига ахборот технологияларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш; фуқаролик жамияти тараққиётининг асосий мезонларини белгиловчи яхлит концепцияни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг у ёки бу жиҳатларига оид айрим тадқиқотлар амалга оширилган ва уларга доир умумий тасаввур ҳамда фикрлар мавжуд.

Мамлакатимизда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг айрим ташкилий, назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳуқуқшунос олимларимиз А.Азизхўжаев, С.Адилходжаева, М.Ахмедшаева, Ҳ.Бобоев, И.Беков, Ш.Жалилов, Ш.Зулфиқоров, З.Исломов, Б.Исмаилов, Г.Исмаилова, Г.Маликова, Х.Маматов, М.Миракулов, Ф.Мухитдинова, Ў.Мухамедов, М.Нажимов, Х.Одилқориев, Ф.Отаханов, М.Раҳмонқулов, Ф.Раҳимов, А.Раҳимов, З.Рўзиев, Х.Рўзметов, А.Саидов, Ж.Тошқулов, Б.Тошев, И.Тультеев, А.Турсунов, А.Туляганов, М.Файзиев, Ш.Файзиев, Р.Хақимов, О.Ҳусанов, Д.Ҳолманова, Э.Ҳолова ва Ш.Ўразаевлар томонидан ўрганилган.

Мазкур мавзунинг ижтимоий-фалсафий ва социологик жиҳатлари А.Бегматов, С.Бердиқулов, К.Джавакова, Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаевларнинг, шунингдек сиёсий жиҳатлари А.Жалилов, Н.Жўраев, С.Жўраев, Қ.Жўраев, Т.Матибаев, М.Шарифхўжаев ва М.Қирғизбоевларнинг тадқиқот ишларида муайян даражада ёритилган.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид фикрларни МДҲ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимлари А.Аузан, Н.Боржелли, Г.Вайнштейн, В.Гриб, Ю.Ирхин, М.Марченко, Н.Матузов, О.Лейст, В.Рябев, А.Сунгуров, В.Якимец, Т.Янссонларнинг илмий асарларида ҳам учратиш мумкин. Бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар олимлари К.Поппер, А.Смит, А. де Токвил, Ю.Хабермас, Ф.Хайек, Р.Бейтс, Т.Коулба, Д.Риччи, К.Телен, А.Грамши, Э.Арато, Г.Дж.Берман, П.Бурдье, Д.Кинлар ҳам давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига оид фикрларни билдирганлар¹.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Айрим олимларнинг илмий тадқиқот ишларида мазкур мавзунинг у ёки бу жиҳатларига эътибор қаратилган. Масалан, Х.Одилқориев томонидан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий табиати, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг нисбати атрофлича таҳлил этилган бўлса, М.Мирақуловнинг илмий ишида президент ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги, И.Бековнинг изланишларида сиёсий партиянинг парламентни шакллантиришдаги роли, Ж.Абдуллаев томонидан олиб борилган тадқиқотда давлат ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлик муносабатлари, Ш.Жалилов, Г.Маликова, Г.Исмоилова ҳамда З.Рўзиевларнинг илмий ишларида маҳалла ва давлат органларининг муносабатлари, Х.Маматов томонидан эса ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ўрганилган. Лекин ушбу мавзу комплекс тарзда, алоҳида диссертация шаклида ҳозирга қадар илмий таҳлил этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари» илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

«фуқаролик жамияти институтлари», «электрон нодавлат нотижорат ташкилотлари» тушунчасини аниқлаштириш;

давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлиги ҳуқуқий механизмларининг ривожланиши тенденцияларини илмий асослаш;

сиёсий партия ва давлат муносабатларининг ҳуқуқий асосларини илмий таҳлил қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид фаолиятининг аҳамиятини асослантириш;

давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

ижтимоий шериклик институтининг методологик асосларини илмий таҳлил қилиш;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг функцияларини аниқлаштириш;

Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини ўрганиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг аҳамиятини асослантириш;

давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга оид илмий қарашлар ҳамда концептуал ғояларни ўзида акс эттирган адабиётлар, мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда ижтимоий фанлар, хусусан, давлат ва ҳуқуқий фанлар учун умумий бўлган тизимли-структурали ёндашув, тарихий, мантиқий, аниқ-социологик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳамда қонунга киритиш зарурати асослантирилган;

сиёсий партияларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги, шунингдек партия ташкилотларининг ҳудудий дастурлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш ваколатини қонунларда белгилашнинг амалий аҳамияти асослантирилган;

фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки, хусусан, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси ҳамда жамоатчилик экспертизасини амалга оширишда парламент билан ҳамкорлиги таъсир даражасини ошириш зарурати асослантирилган;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини таҳлил этиш асосида алоҳида қонун қабул қилиш зарурлиги илмий ва амалий жиҳатдан асослантирилган;

тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шерикликдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини аниқлаштириш ҳамда мазкур шериклик муносабатларининг ҳуқуқий механизмларини қонун ҳужжатларида белгилаш зарурати асослантирилган;

фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг узоқ муддатли мақсадлари ҳамда устувор йўналишларини белгиловчи стратегик ҳужжатни қабул қилиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида жамоатчилик кенгашлари киритилган. Бу давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳуқуқий мақомини қонунда мустақамланишига, уларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда алоҳида субъект сифатида иштирок этишини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади;

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунларга

киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг ҳудудий дастурлар ижроси бўйича назоратни амалга ошириш ваколати белгиланишига хизмат қилган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид таклифларнинг амалга татбиқ этилиши «учинчи сектор»нинг франдрайзинг ҳамда филантропик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини амалиётга кенг жорий қилишда тадқиқот натижаларидан фойдаланилади;

тадқиқот натижалари нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакат тараққиётига қўшаётган реал ҳиссасини баҳолашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган адабиётлар ва қонун ҳужжатлари расмий манбалардан олинган ҳамда улар белгиланган талаблар асосида ҳавола қилинган. Илмий-тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар, давлат-ҳуқуқий фанларга тегишли илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар, шунингдек давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибасини қиёсий таҳлил этиш асосида илгари сурилган. Шу билан бирга, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётда жорий қилинганлиги ва бу ваколатли идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакат тараққиётига қўшаётган реал ҳиссасини баҳолашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқишда, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига доир илмий изланишларни амалга оширишда, тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шерикликдаги иштироки ҳуқуқий механизмларини белгилашда, мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгиловчи стратегик ҳужжатни тайёрлашда, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий этиш орқали уларнинг франдрайзинг ва филантропик фаолиятини кучайтиришда, шунингдек ушбу муаммонинг илмий-назарий асосларини янада ривожлантиришда, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун махсус адабиётларни тайёрлашда ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Давлат ва жамият бошқаруви» ҳамда «Фуқаролик жамияти асослари» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ташкил этишда, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур диссертация тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар амалиётга қуйидагича жорий этилган:

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларини жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида ҳуқуқий мақомини белгилашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 16 майдаги №05/02-66-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш жамоатчилик кенгашлари мақомининг қонунда аниқ белгиланишига хизмат қилган;

нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида сиёсий партияларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги, шунингдек партия ташкилотларининг ҳудудий дастурлар лойиҳаларини тайёрлаш ва улар ижросини назорат қилиш бўйича ваколатларини кенгайтиришга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунининг 5 ва 7-моддаларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 8 августдаги №06/1-05/1881 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш сиёсий партияларнинг ҳудудий дастурлар ижроси бўйича назоратни амалга ошириш ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилган;

эктремизмга қарши курашишда жамоат бирлашмаларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 24 августдаги №06/2-06/619-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонунда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг белгиланишига хизмат қилган;

фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки, шунингдек уларнинг қонун чиқарувчи орган билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада кучайтиришга оид таклифлардан 2018 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси»нинг иккинчи бўлими 3-бандини (фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакилларини

жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти-нинг 2018 йил 25 августдаги №01/1-579-сон маълумотномаси) Илмий натижалардан фойдаланиш норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг белгиланишига хизмат қилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўсимликлар карантинида доир тадбирларни ўтказишда давлат органлари билан ҳамкорлигини қонунчиликда аниқ мустаҳкамлаш лозимлигига оид таклифлар 2018 йил 9 июлда эълон қилинган ЎРҚ–484-сонли Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири)нинг 8-моддасини тайёрлашда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг 2018 йил 26 сентябрдаги № БМ-02/01-1439-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонунда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий механизмлари аниқ белгиланишига хизмат қилган;

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини янада кенгайтириш, «Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шерикликдаги иштироки ҳуқуқий механизмларини белгилаш, мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг устувор йўналишларини белгиловчи стратегик ҳужжатни қабул қилишга оид таклифлар «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид давлат дастурларини тайёрлашда, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилашда инобатга олинган (2018 йил 30 май куни тақдим этилган №001/54-455-сон маълумотнома). Илмий натижалардан фойдаланиш фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлашда, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилашда методологик манба сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 4 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларида 18 та (16 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг ҳажми 240 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг мақсади ҳамда жамият тараққиётига таъсири»** деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг моҳияти, ижтимоий аҳамияти ҳамда зарурати, мазкур муносабатларнинг асосий шакл, усул ва йўналишлари тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги олимлар ўртасида доимий қизғин баҳс-мунозараларга асос бўлган мавзулардан бири ҳисобланади. Давлат ва нодавлат тузилмалари ўзаро ҳамкорлиги илмий концепциясининг назарий-методологик асосларини, хусусан, П.Ж.Прудоннинг муносабатлар уйғунлиги концепцияси, О.Контнинг жамоатчилик розилигининг ролини ўрганиш методологияси, Э.Дюркгеймнинг ижтимоий бирдамлик назарияси, М.Вебернинг ижтимоий ҳамкорлик назарияси, Т.Парсонснинг ижтимоий ҳаракат назарияси, Ж.Ролзанинг ижтимоий адолат назарияси, Л.Дюгининг бирдамлик ғояси, А.Туреннинг аҳоли бандлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижтимоий ҳаракатлар таҳлили назарияси каби ғояларини таҳлил этиш асосида, тадқиқотчи – «мазкур ҳамкорлик ўз мазмун-моҳиятига ва ривожланиш тенденциясига кўра, узок йиллик тарихга эга ва бир-бирига узвий боғлиқ бўлган икки сектор ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатган», – деган, хулосага келади. Шунингдек, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар шаклланишига жамиятнинг тараққиёти, давлатларнинг бошқарув усуллари, халқларнинг миллий кадриятлари, анъаналари ва ўзига хослиги ҳам жиддий таъсир кўрсатгани қайд этилади.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ижтимоий аҳамияти ва заруратини ўрганиш асосида, тадқиқотчи бугунги шиддатли ислохотлар даврида мазкур ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада кучайтиришга алоҳида зарурат мавжудлигини таъкидлайди. У «жамият ҳаётидаги барча масалаларни биргина давлатнинг кучи ва имкониятлари билан ҳал этиб бўлмайди», – деган, хулоса билан ўз фикрларини исботлашга интилади. Шунингдек, икки сектор ўртасида самарали ҳамкорликни жорий этиш орқали мамлакатда қонун устуворлиги-

нинг таъминланиши, жамиятдаги долзарб муаммоларни ўз вақтида ҳал этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ҳамда қонуний манфаатларининг рўёбга чиқишига эришилиши қайд этилади.

Тадқиқотчи томонидан давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришда, аввало, фуқаролик жамияти институтлари атамасининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, ушбу тушунчани қонунда акс эттириш зарурлиги қайд этилади. Амалдаги қонунчиликда «фуқаролик жамияти институтлари» атамасининг моҳиятини очиб берадиган дефинитив¹ норманинг мавжуд эмаслиги, лекин 50 дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу жумла қўлланилганидан келиб чиқиб, муаллиф «фуқаролик жамияти институтлари» тушунчасининг моҳиятини ёритиб берувчи янги таърифни илгари суради.

Диссертант давлат ва нодавлат сектори ўзаро ҳамкорлигининг қуйидаги иккита асосий шаклини алоҳида ажратиб кўрсатади: биринчи, давлат ҳокимияти томонидан фуқаролик жамияти институтларига таъсир ўтказиш; иккинчиси, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларига таъсир ўтказиш шакллари.

Қайд этилган биринчи тоифадаги ҳамкорлик шаклининг таҳлили асосида бир қатор қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган қуйидаги кўринишларини алоҳида ажратиш мумкин: фуқаролик жамияти институтлари фаолияти устидан назорат олиб бориш; уларнинг айрим фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш; молиявий қўллаб-қувватлаш; турли имтиёзлар тақдим этиш (солиқ ва бошқа йўналишларда); мақсадли дастур ва стратагияларини белгилаш; уларнинг ташкил этилиши ва функцияларини белгилашда иштирок этиш; бошқарув ва фаолият олиб боришида қатнашиш; маслаҳат ёрдамни бериш; бюджетдан молиялаштириш ва ҳ.к.²

Иккинчи тоифага оид муносабатларда, яъни фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларига таъсирининг қуйидаги шаклларини қайд этиш мумкин: қонун ижодкорлигида (ҳуқуқ ижодкорлигида) фуқаролик жамияти институтларининг ташаббус кўрсатиши; уларнинг референдум ва сайловлардаги иштироки; ҳуқуқни қўллаш (татбиқ этиш) жараёнида фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштироки; жамоатчилик назоратини амалга ошириш; жамоатчилик муҳокамалари ва эшитувларини ўтказиш; оммавий ахборот воситаларида таҳлилий-танқидий материалларни жойлаштириш, «очик хатлар» билан мурожаат қилиш; давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиш ва ҳ.к.³

Умуман, замонавий тараққиёт босқичида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг шаклларини чуқур таҳлил қилиш уларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришда энг мақбул йўналишларни аниқлашга имкон беради. Шунингдек, тадқиқотчи мазкур

¹ Таъриф берувчи норма. Муайян тушунчанинг мазмун-моҳиятини аниқ ёритиб берадиган ва унинг расмий баёнини акс эттирадиган қоида.

² Қаранг: Гражданское общество и государство. Учебно-методическое пособие. Авторы - составители: к.ю.н. А.А. Троицкая – раздел 1; Н.С. Малютин - разделы 2 и 4; С.Н. Баркова - раздел 3. –М., 2017. – 456 б.

³ Қаранг: Доклад о состоянии гражданского общества в Российской Федерации. –М., 2008. – С. 76.

йўналишда илмий изланишлар олиб борган А.Ю.Сунгуров, А.А.Аузан, В.В.Рябев, Т.Т.Янсон, Г.Н.Вайнштейн, В.Л.Любашица каби олимларнинг давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг моделларига оид фикрларига¹ эътибор қаратиб, уларни илмий таҳлил қилган ҳолда, қуйидаги учта йўналиш асосида янада ривожлантиришга интилади:

биринчи, ўзаро ҳамкорлик модели. Мазкур модель ўзида аввало, тенг ҳуқуқий муносабатларни, муайян жиддий масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик қилишни англатади. Шунингдек, бунда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида давлат кўмагини аямаслиги, зарур ҳуқуқий асослар яратиш, моддий ёрдам кўрсатиш асосида ривожлантириш назарда тутилади;

иккинчи, ҳамкорликни инкор этиш модели. Бунда давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларига эътибор қаратилмайди. Уларни писанд қилмаслик, менсимаслик кузатилади. Бунда давлат органлари нодавлат ташкилотларига ҳалал бермайди ва шу билан бирга, ёрдам ҳам бермайди. Бундай модель, асосан, давлат ҳаётида муайян ўзгаришлар давом этаётган, айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзага келган вақтларда кузатилади;

учинчи, конфронтация модели. Мазкур модель, асосан, давлат ва нодавлат ташкилотларининг бир-бирига қарама-қаршилигини ифода этади. Унинг «бир-бирига қарши кураш», «жамоат ташкилотларининг давлатдан норозилиги», «жамоат ташкилотларининг давлатга бўйсунмаслиги» каби кўринишлари ҳам қайд этилади. Бунда, асосан, икки субъектнинг бир-бирини тушунмаслиги, ўзаро курашлари кузатилади. Бу инсон, жамият ва давлат учун хавф-хатар туғдиради, аҳоли ўртасида тушунмовчиликларни, йирик низоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай муносабатлар охир-оқибатда терроризм, экстремизм каби салбий ҳолатларга асос бўлиб хизмат қилади².

Диссертант, «энг мукамал ҳолатдаги давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик томонлар тенглиги асосида қурилиши лозим», – деган, хулосага келади. Шунингдек, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг шакллари, усуллари ҳамда устувор йўналишларининг илмий таҳлили мамлакатнинг «учинчи сектор»га нисбатан сиёсатини белгилашда муҳим асос бўлиши қайд этилади.

¹ Қаранг: Сунгуров А.Ю. Взаимодействие правоохранительных органов и общественных организаций в современной России: накопленный опыт и реализуемые модели. – М., 2009, – С. 23-26; Сунгуров А.Ю., Нездуров А.Л. Взаимодействие органов власти и структур гражданского общества: возможные модели и их реализация в общественно-политической жизни современной России // Факторы развития гражданского общества и механизмы его взаимодействия с государством / Под ред. Л.И. Яковсона. – М., Вершина, 2008. – С. 209-237; Аузан А.А. Гражданское общество как альтернативный способ производства благ // Рабочие материалы: Гражданское общество: экономический и политический подходы. – М., 2005. №2. – С. 7-10; Рябев В.В. К вопросу о взаимодействии государства и гражданского общества в современной России // Журнал социологии и социальной антропологии. – М., 2005. №2. – С.10-11; Янсон Т. Треугольная драма: взаимоотношения между государством, местным самоуправлением и добровольными организациями // Гражданское общество на европейском Севере. – М., 1996. – С. 6; Вайнштейн Г.Н. Гражданское общество и власть. Проблемы концептуализации // Проблемы становления гражданского общества в России: Материалы научного семинара. Вып 2. – М., 2003. – С. 95-108; Любашица В.Л. Гражданское общество как исторический тип социальной организации // Северо-Кавказский юридический вестник. – М., 1998. №2. – С. 45.

² Қаранг: Сунгуров А.Ю. Взаимодействие правоохранительных органов и общественных организаций в современной России: накопленный опыт и реализуемые модели. – М., 2009, – С. 23-26.

Иккинчи боб «Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари»га бағишланган бўлиб, бешта параграфни ўз ичига олган. Унда давлат ва нодавлат сектори ҳамкорлигидаги энг муҳим йўналишлар ҳамда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари таҳлил этилади.

Мазкур бобда, аввало, давлат ва жамоат бирлашмалари ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58 ва 61-моддаларида акс этган нормаларнинг моҳияти қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинади. Давлат томонидан турли жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиб беришга оид нормаларнинг моҳияти ва аҳамияти халқаро ҳуқуқий мезонлар асосида ёритилади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилиги амалиёти ва мазкур соҳадаги тажрибасини ўрганиш асосида «давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида махсус институтлар, жамоатчилик кенгашлари ташкил этилиши лозим», – деган, хулосага келинган. Масалан, Франция Конституциясининг 11-бўлимига мувофиқ Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш фаолият кўрсатади. Ушбу давлат Конституциясининг 69-моддасига асосан, Кенгаш Ҳукуматнинг сўровига мувофиқ қонунлар, ордонанслар ёки декретлар лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини тақдим этади¹.

2018 йил 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, фуқаролик жамияти институтлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртасида долзарб масалаларни муҳокама қилиш, ўзаро ахборот алмашишнинг қўшимча механизмини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди².

Тадқиқотчининг фикрича, Франция тажрибасидан келиб чиқиб, мазкур Маслаҳат кенгашига ҳам конституциявий-ҳуқуқий мақом берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ушбу маслаҳат кенгаши, қолаверса, барча давлат органлари ҳузурида ташкил этилиши белгиланган жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги қайд этилади.

Диссертант мазкур конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида давлатнинг сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари каби фуқаролик жамияти

¹ Қаранг: Ширинов Ж. Жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти: www.parliament.gov.uz.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – № 18. 360-модда.

институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича ўзининг аниқ фикрларини илгари суради.

Хусусан, давлатнинг сиёсий партиялар билан ҳамкорлигини кучайтириш зарурати қайд этилгани ҳолда, «партиялар ўртасидаги соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади, партияларнинг кучли бўлиши давлатнинг кучайишига хизмат қилади. Бунинг учун давлат томонидан сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувида эркин фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар ҳамда тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилиши, шунингдек улар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши лозим», – деган хулосага келади.

Ўз навбатида, сиёсий партиялар ҳам давлат ҳокимияти, унинг ижро ва вакиллик органларини шакллантиришда, мамлакатнинг яқин ва узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини белгилашда, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда, давлат бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлат билан тизимли ҳамкорликни амалга ошириши зарурлиги қайд этилади.

Мазкур ҳамкорлик муносабатларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан сиёсий партияларнинг кадрлар тайёрлаш функциясини, давлат ва ҳудудий дастурлар муҳокамаси ҳамда уларнинг ижроси устидан назоратни кучайтиришга оид янги ҳуқуқларини амалдаги қонунчиликка киритиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Диссертацияда фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим институти – оммавий ахборот воситалари ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишда мамлакатимизда жиддий ислоҳотлар амалга оширилаётганига қарамасдан, бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжудлиги қайд этилган. Масалан, Ўзбекистонда ахборот соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ўндан ортиқ махсус қонунлар қабул қилинган бўлса-да, давлат ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмаслиги, амалдаги қонунчиликда ҳозирга қадар давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг чегаралари аниқ белгиланмаганлиги каби жиддий масалаларга эътибор қаратилган. Уларни ҳал этиш учун учта янги қонунни қабул қилиш ҳамда амалдаги тўртта қонунга қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Диссертацияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш алоҳида йўналиш сифатида таҳлил этилган. Унда маҳалла институти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларининг устувор йўналишларига эътибор қаратилган. Хусусан, маҳалланинг давлат ҳокимияти бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатларини янада кенгайтириш ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Тадқиқот ишининг алоҳида параграфида ўз ташаббуси билан тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини кучайтириш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, Ўзбекистон тажрибасида ҳозирча жойлардаги кичик нодавлат ташкилотларига ёрдам кўрсатишда асосий эътибор фақат уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Рағбатлантиришнинг муқобил шакллари амалиётга жорий этиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозимлиги қайд этилади. Масалан, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, жамиятдаги айрим муаммоларни ҳал этишда давлат органларига ёрдам кўрсатаётган, турли аҳоли қатламининг манфаатларини рўёбга чиқаришда ижобий натижаларга эришаётган нодавлат нотижорат ташкилотларига солиқ имтиёзлари бериш, уларнинг ишини оммалаштириш, маънавий рағбатлантириш, давлат муқофотлари билан тақдирлашнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш ва ҳ.к.

Бундан ташқари, жамият ҳаётига оид долзарб муаммоларни ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этишни янада кучайтириш лозим. Масалан, Ўзбекистон мисолида аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунлар тарғиботи ва аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, китобхонликни тарғиб қилиш, коррупцияга қарши кураш ва бошқа шу каби соҳаларда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий механизмлари яратилиши зарур.

Тўртта параграфни ўз ичига олган учинчи боб **«Ижтимоий шериклик институтининг тавсифи, ҳуқуқий механизмлари ва уларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши»** деб номланиб, унда ижтимоий шериклик институтининг тавсифи, ҳуқуқий механизмлари ва уларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши, шунингдек хорижий мамлакатлар тажрибасида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳамкорлигининг ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил этилган.

Тадқиқотчи Ўзбекистонда бугунги кунга қадар қабул қилинган 200 дан ортиқ қонунларда ижтимоий шерикликнинг у ёки бу жиҳатлари ҳуқуқий тартибга солинганлигини қайд этиш асносида, уларнинг мазмуни ва юридик табиатига кўра бешта йўналишда таснифлайди.

Алоҳида параграфда мазкур ҳамкорлик муносабатларининг энг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, унинг амалий ижросини чуқур таҳлил этиш асносида, мазкур қонунни амалга самарали татбиқ этиш учун қуйидаги масалалар ҳал қилиниши лозимлиги қайд этилади:

Биринчидан, қонун амалдаги реал вазиятдан келиб чиқиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш заруратини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиши лозимлиги қайд этилган. Бунда ижтимоий шериклик субъектлари доирасига тадбиркорлик субъектларини қўшиш ва уларнинг ижтимоий шерикликдаги фаолиятини, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдаги иштирокининг шакллари ва ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаш алоҳида аҳамиятга эга.

Иккинчидан, қонунда белгиланган комиссияларни ташкил этиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш. Комиссиялар ишига давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг аралашувини камайтириш лозим. Бу борада Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия гуруҳлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудудлардаги нодавлат ташкилотларининг роли ва иштирокини кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Учинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини номарказлаштириш зарурлиги. Бунда уларга фақат марказ орқали эмас, балки маҳаллий давлат ҳокимияти орқали ҳам молиявий қўмак берилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, қонунни амалга самарали татбиқ этилишида ундаги вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, ундаги ҳаволаки нормаларда белгиланган қоидаларнинг ишлаб чиқилиши алоҳида аҳамиятга эгаллиги баён этилган.

Диссертант ўндан ортиқ ривожланган хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги ҳуқуқий тажрибасини таҳлил қилиш асосида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини яратиш ва ривожлантиришга асос бўладиган қуйидаги устувор йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

биринчидан, давлатнинг ўз ҳудудида турли фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга эътибори ва муносабатини акс эттирувчи алоҳида стратегик ҳужжатларнинг қабул қилиниши лозимлиги. Унда яқин, ўрта ва узок муддатли стратегик мақсадларнинг аниқ белгилаш зарурлиги;

иккинчидан, Ҳукумат даражасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ҳар бир вазирлик таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлаш бўлимларини ташкил этиш зарурати мавжудлиги.

Ўзбекистонда вазирлик даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги ваколатига киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3666-сонли Қарорига асосан, Адлия вазирлигининг вазифаларидан бири сифатида «нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга қўмаклашиш»¹ белгиланган. Лекин вазирликка, бундан ташқари, яна 15 та жуда муҳим вазифалар юклатилган. Айниқса, сўнгги вақтларда давлат хизматларини кўрсатиш, нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш каби жуда муҳим ва янги ваколатларнинг адлия органларига берилиши, уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлашдаги иш унумдорлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – № 16. 330-модда.

Қолаверса, янги тасдиқланган Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасига асосан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар бошқармасига» атиги 10 та штат бирлиги ажратилган. Худудий адлия бошқармаларида эса бу йўналишга 2-3 штат бирлиги белгиланган. Ваҳоланки, ушбу бошқарма зиммасига нодавлат ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ 17 та йўналишда жиддий вазифалар юклатилган. Албатта, бу штат бирлиги билан вазирлик нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлашда ўз функционал вазифалар самарали амалга ошириши мушкул. Диссертантнинг мазкур таҳлиллари, келгусида барча вазирлик ва давлат қўмиталари таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш бўйича махсус тузилмалар (бошқарма, бўлим ёки бўлинма шаклида) ташкил этиш зарур деган хулосага келишига асос бўлган.

Шунингдек, муаллиф мазкур соҳада қуйидаги хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Хусусан, Франция тажрибасида Ички ишлар вазирлигида нодавлат сектори билан ишлайдиган алоҳида бўлим мавжуд. У ҳуқуқбузарликлар сони ортган ҳудудларга махсус нодавлат ташкилотлари ёки кўнгиллиларни юбориб, бундай масканларда махсус тўғараклар, тренинглари ташкил этади. Ёшларни шу тариқа жалб этиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга йўналтиради. Бундай долзарб масалаларни ҳал этиш учун вазирлик томонидан махсус маблағлар ҳам ажратилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, у учта параграфдан иборат. Унда, аввало, жамоатчилик назорати институти ҳамда унинг ҳуқуқий механизмлари таҳлил этилади ва «жамоатчилик назорати – давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришнинг муҳим омили» эканлиги илмий асосланади. Шунингдек, муаллиф Ўзбекистонда 2018 йилда қабул қилинган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти ва уни амалга татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр билдиради.

Жамоатчилик назоратининг моҳияти жамият билан давлат ўртасидаги алоқани таъминлашда, давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилинишининг олдини олишда ўз ифодасини топади. Айниқса, 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқади.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддасида жамоатчилик муҳокамасининг тушунчаси, мазмуни, унинг субъектлари, иштирокчилар, уни ўтказиш муддатлари, фикр билдириш имкониятлари, у ҳақида эълон бериш тартиби ва бошқа муҳим масалалар

белгиланган¹. Диссертант фикрича, ҳозирда фуқароларнинг фаоллашувини ҳисобга олган ҳолда, жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишнинг замонавий усуллари ва уларнинг ҳуқуқий механизмларини қонунчиликда янада мукамал белгилаш, жамоатчилик муҳокамасини алоҳида қонун орқали тартибга солиш заруратини намоён этмоқда. Бу каби ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, уларни ўз вақтида ҳуқуқий тартибга солиш заруратидан келиб чиқиб, «Жамоатчилик муҳокамаси тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Унда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, жамоатчилик муҳокамасини оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали ўтказилишининг тартиби аниқ ва мукамал ҳуқуқий тартибга солиниши лозим.

Ҳозирда деярли барча қонун лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритишдан аввал ахборот-коммуникация технологиялари орқали жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилмоқда. Лекин билдирилган фикрлар, таклифлар таҳлилини умумлаштириш, уларнинг якуний хулосалари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ тақдим этмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бунинг яна бир сабаби шундаки, қонунларда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари аниқ белгиланмаган ва бу қонунчиликда муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига қўшимчалар киритиш эҳтиёжи мавжудлиги қайд этилади.

Тадқиқотчи томонидан жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида кўрсатилади:

Биринчидан, аҳолини ёки уларнинг муайян қатламини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш учун жамоатчилик назоратини амалга ошириш. Масалан, коррупцияга қарши кураш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарларининг қонун ҳужжатларига зид равишда айрим соҳа (таълим, тиббиёт в. б.) вакиллари мажбурий ишларга жалб этиш каби аҳолини ташвишга солаётган, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётган соҳалар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур.

Иккинчидан, жамоатчилик назорати объекти доирасини кўриб чиқиш. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасида жамоатчилик назоратининг объекти сифатида «Давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларнинг ва улар мансабдор шахсларининг» фаолияти назарда тутилган. Лекин фуқаролар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қиладиган хўжалик бошқаруви органларининг фаолияти объект доирасига кирмаган. Мамлакатимиздаги бугунги реал вазиятдан келиб чиқиб,

¹ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz); Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – № 15. 304-модда.

хўжалик бошқаруви органларининг фаолияти ҳам объект доирасига кириши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигини ҳуқуқий тартибга солишга оид муаммоларнинг ўн бешта йўналиши амалий мисоллар орқали ёритилди. Ушбу муаммолар қуйидагича гуруҳлаштирилди: *биринчидан*, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, қонунларда мавжуд камчиликлар, айрим нормаларнинг самарали қўлланилмаслиги билан боғлиқ муаммолар; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорликни таъминловчи институционал тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги, улар фаолиятидаги камчиликлар билан боғлиқ масалалар; *учинчидан*, халқаро ва маҳаллий даражадаги ҳамкорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар; *тўрттинчидан*, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ муаммолар. Шунингдек ушбу параграфда юқоридаги муаммоларни ҳал этиш йўллари ва бу соҳада қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳақида фикр юритилган.

Тадқиқотчи ишда яна бир муҳим янги ғоя, яъни «электрон нодавлат нотижорат ташкилотлари»ни илгари суради. Хусусан, бунда нодавлат сектори фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши, бу масалани давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳақида фикрлар юритилади. Фанга «электрон нодавлат нотижорат ташкилотлари» тушунчасини киритиш ҳамда унинг муаллифлик таърифи таклиф этилади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги нодавлат ташкилотларининг электрон базасини шакллантириш, уларнинг фаолиятини баҳолаб бориш, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари, қолаверса, ҳомийлар билан улар ҳамкорлигини таъминлаш фаолияти билан шуғулланадиган махсус Ахборот-ресурс марказини ташкил этиш таклиф этилади.

Нодавлат секторига ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали янги йўналишлар, яъни нодавлат нотижорат ташкилотларининг филантропия ва франдрайзинг фаолиятини ривожлантириш таъкидланади. Уларни жамият ҳаётидаги турли ижтимоий муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш жараёнларига ҳомийлар маблағини йўналтириш ишларини самарали ташкил этиш нодавлат нотижорат ташкилотлари рейтингининг юксалишида муҳим кўрсаткич сифатида баҳоланади.

Диссертант томонидан диссертацияда илгари сурилган таклиф ва тавсияларнинг аксарияти жамоатчилик фикри натижалари билан асосланган. Хусусан, тадқиқот доирасида 430 дан ортиқ фуқаролар иштирокида сўров ўтказилган. Сўров орқали, тадқиқот иши давомидаги айрим баҳс-мунозарали масалаларда муайян хулосага келиш, шунингдек илмий изланишлар якуни бўйича яратилган ғоялар юзасидан жамоатчилик вакилларининг муносабати ўрганилган. Аҳамиятли жиҳати, мазкур социологик тадқиқотга нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари кенг жалб этилган.

Тадқиқот якунида эришилган натижалар, шакллантирилган янги ғоя ва қарашлар, илгари сурилган таклиф ва тавсиялар диссертациянинг хулоса қисмида баён этилган.

ХУЛОСА

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчи. Мазкур ҳамкорликнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш бўйича:

1. Қуйидаги бешта янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги таклиф этилмоқда: «Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисида»ги, «Жамоатчилик муҳокамаси тўғрисида»ги, «Ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, «Кўнгиллилар фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. Диссертацияда ушбу қонунларни қабул қилишнинг зарурати, лойиҳаларда белгиланиши лозим бўлган нормалар ҳақидаги таҳлилий фикрлар акс этган.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш мақсадида: «Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Маслаҳат кенгаши фаолияти қонун билан белгиланади» таҳриридаги қўшимча норма киритилиши лозим.

3. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий шериклик субъектлари таркибига тадбиркорлик субъектларини киритиш ва уларнинг ижтимоий шерикликдаги иштирокининг тартиби янги моддаларда ёритиб берилиши керак. Хусусан, ушбу Қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмидаги «Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир» мазмунидаги нормага «давлат органлари» деган сўزلардан кейин «тадбиркорлик субъектлари» жумласи киритилиши лозим.

Шунингдек, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунга «Ижтимоий шерикликни тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб қувватлаш» тизимини акс эттирувчи янги боб киритилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу бобда «Ижтимоий шерикликни тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватлаш турлари», «Тадбиркорлик субъектлари томонидан моддий ва мулкий ёрдам кўрсатиш», «Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштиришда тадбиркорлик субъектларининг иштироки» ва шу каби бошқа моддалар ўз аксини топиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ва «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунларига

«фуқаролик жамияти институтлари» тушунчасини очиб берадиган қуйидаги дефинитив нормани киритиш таклиф этилади: «фуқаролик жамияти институтлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда ташкил этиладиган, нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситалари».

5. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси-нинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларига ҳам қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим. Уларда ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини белгиловчи қуйидаги ҳуқуқий нормалар акс этиши зарур:

- Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун 8-моддаси, 1-қисм, 4-хатбошида: «нодавлат нотижорат ташкилоти вакилларининг чет мамлакатларга нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиши»¹ лозимлиги билан боғлиқ мажбурият белгиланган. Бу ўз-ўзидан уларнинг фаолияти чекланишига олиб келади. Фикримизча, мазкур нормани қонунчиликдан чиқариш лозим. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, халқаро майдонда очиклик, қўшни мамлакатлар билан яқин алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат олиб борилаётган вақтда алоҳида аҳамиятга эга;

- нодавлат ташкилотларининг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш учун амалдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш, бу борада уларга ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамловчи қуйидаги мазмундаги янги модда киритилиши лозим:

«11¹-модда. Давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотининг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш». Унинг диспозициясида қуйидаги қоидалар акс этиши мақсадга мувофиқ: «Давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотига қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига киришига, улар билан тўғридан-тўғри халқаро алоқалар ўрнатилишига, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузилишига ёрдам кўрсатилиши мумкин».

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1999. – № 5. 115-модда.

6. Давлат ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш учун ахборот соҳасидаги янги ижтимоий муносабатларнинг жуда муҳимлиги ва йилдан-йилга янада долзарб аҳамият касб этиб боришини ҳисобга олиб, мазкур соҳага оид қонунчиликни кодификациялаш зарур. Ҳндан ортиқ амалдаги қонунлар нормаларини мантиқий тизимлаштириб, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш кодекси»ни қабул қилиш вақти келди. Унда ахборот соҳасидаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар тартибга солиниши лозим.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада аниқ белгилаш мақсадида «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида» қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилар билан бирга, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг «солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш» каби шакли ҳамда унинг ҳуқуқий механизмлари янада ривожлантирилиши зарур.

7. Амалдаги қонунчиликда нодавлат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмлари лозим даражада ёритиб берилмаган ва ҳаволаки нормаларда ифодаланган. Хусусан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида: «нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш» қайд этилган. Лекин ҳозирга қадар, ушбу ҳаволаки нормани амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Мазкур соҳадаги қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилишини тезлаштириш лозим.

Иккинчи. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ҳукумат даражасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш учун ҳар бир вазирлик ва давлат қўмиталари таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлаш бўйича алоҳида бўлимларни ташкил этиш зарур. Уларнинг функционал вазифаларини белгилаш ва ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

2. Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг электрон базасини шакллантириш, уларнинг фаолиятини баҳолаб бориш, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари, қолаверса, ҳомийлар билан улар ҳамкорлигини таъминлаш фаолияти билан шуғулланадиган махсус Ахборот-ресурс марказини ташкил этиш лозим. Унинг асосий вазифаси – нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида ахборот тўплаш, уларни таҳлил қилиш, ҳар бир ташкилот рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш, шунингдек хайрия ишларига кенг жалб этишдан иборат бўлиши лозим.

3. Ўзбекистонда жамиятдаги долзарб масалаларни ҳал этиш, ижтимоий фойдали лойиҳаларни амалга ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, коррупцияга қарши кураш ва бошқа жараёнларда алоҳида фаоллик кўрсатган фуқаролар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолларини рағбатлантириш мақсадида «Ижтимоий фойдали хизматлари учун» номли давлат мукофотининг таъсис этилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари фаолиятига давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг аралашувини камайтириш лозим. Бу борада Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия гуруҳлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудудлардаги нодавлат ташкилотларининг роли ва иштирокини кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий Адлия бошқармалари билан ҳамкорликда Интернет орқали турли ижтимоий тармоқларда мазкур ҳудуддаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини бирлаштирган гуруҳлар ташкил этиш, бу орқали ўзаро ахборот алмашиш жараёнига инновацион усулларни жорий этиш лозим.

6. Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини номарказлаштириш зарур. Бунда уларга фақат марказ орқали эмас, балки маҳаллий давлат ҳокимияти орқали ҳам молиявий кўмак берилишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлайдиган фондларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва бошқа олий ўқув юртларида «Жамоат ташкилотларини бошқариш» бўйича махсус факультетлар, йўналишлар, кафедралар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, келгусида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш мақсадида махсус олий ўқув юртини ташкил этиш ҳам муҳим масаладир.

8. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ривожлантириш мақсадида махсус «ақлий марказ»лар ташкил этиш, унда мазкур ҳамкорликнинг истиқболларига оид таҳлиллар, тадқиқотларни амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтлари келгуси тараққиётининг муҳим йўналишларини белгилаш лозим.

Учинчи. Ҳуқуқий фанларнинг методологик базасини бойитиш, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришнинг илмий-назарий асосларини янада мустаҳкамлаш йўналишида:

1. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигининг стратегик мақсадларини ўзида акс эттирган доктринал ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Унда давлатнинг ўз ҳудудида турли фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича режалари, икки томоннинг асосий вазифалари, яқин, ўрта ва узоқ муддатли стратегик мақсадлар аниқ белгиланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

2. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакат тараққиётига қўшаётган реал ҳиссасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарур. Мазкур мезонларда қуйидаги асосий масалалар ўз аксини топиши лозим: «учинчи сектор»да банд бўлган аҳоли сони; уларнинг даромади ва уларнинг мамлакат иқтисодига қўшаётган ҳиссаси; мамлакатимиз ялпи миллий маҳсулоти ва ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўқитилган, касбга тайёрланган аҳоли сони ва уларнинг даромадлари, улар томонидан иш билан таъминланганлар сони, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштироки, жамиятдаги муаммоларни (коррупция, одам савдоси, суиқасдлар, ишсизлик, коммунал соҳадаги камчиликлар ва ҳ.к.) бартараф этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ва бошқалар.

3. Ҳуқуқий фанлар доирасида фуқаролик жамиятининг турли институтлари, хусусан, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, маҳалла, диний ташкилотлар, касаба уюшмаларининг давлат ҳамда унинг органлари билан ҳамкорлигини алоҳида-алоҳида таҳлил қилишга оид махсус тадқиқотлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистонда электрон нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, улар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали уларнинг франдрайзинг ва филантропик фаолиятини шакллантириш зарур.

5. Нодавлат ташкилотлари фаолиятига оид қонунлар моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбар ходимларига етказишда ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш, мутахассислар томонидан мазкур соҳадаги қонунларга шарҳ тайёрлаш ва чоп этиш, унинг тегишли субъектларга тарқатилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Ижтимоий муносабатлар тизимида ахборот технологияларининг роли шиддатли тарзда юксалиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида улардан кенг фойдаланиш, шунингдек электрон тарзда нодавлат ташкилотларини ташкил этиш, ушбу тузилмаларга аъзо бўлиш ҳамда фаолиятида иштирок этишнинг ҳуқуқий механизмлари жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

7. Рақамли технологиялар тармоғида алоҳида йўналиш ҳисобланган ФилТех¹ соҳасининг илмий-назарий асослари янада ривожлантирилиши,

¹ Қаранг: [PhilTech](#) – инглиз тилидан «Technologies for Philantropy» – филантропия учун технологиялар.

келгусида ижтимоий соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий тадбиркорлик субъектлари, кўнгиллилар ҳамда фуқаролар, шунингдек давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалаларни тез ва самарали ҳал этишга ёрдам кўрсатадиган АТ-лойиҳалари ва рақамли технологияларни амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК № DSc.27.06.2017.Yu.30.01 при АКАДЕМИИ
ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЯКУБОВ ШУХРАТ УММАТАЛИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ
СОТРУДНИЧЕСТВА ГОСУДАРСТВА И ИНСТИТУТОВ
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право.
Финансовое и таможенное право**

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам

ТАШКЕНТ – 2018

**Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2017.3.DSc/Yu60
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Диссертация выполнена в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на веб-странице Научного совета (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash>) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)).

Научный консультант: **Адилкариев Хаджимурод Тухтамурадович**
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ташкулов Журабой Уринбаевич**
доктор юридических наук, профессор

Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна
доктор юридических наук, доцент

Миракулов Миравзал Миродилович
доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация: **Академия Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 27 декабря 2018 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук № DSc.27.06.2017.Yu.30.01 Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. (Адрес: 100003, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, дом 45. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирован под номером 25) (Адрес: 100003, г.Ташкент, ул.Ислама Каримова, дом 45 Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан 14 декабря 2018 года.

Протокол реестра рассылки № 5 от 14 декабря 2018 года.

О.Т.Хусанов
председатель Научного совета по
присуждению ученой степени, доктор
юридических наук, профессор

Ж.Н.Нематов
секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени,
кандидат юридических наук, доцент

И.Т.Тулътеев
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученой степени, доктор юридических
наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и важность темы диссертации. Во всех развитых странах мира серьезное внимание уделяется эффективному осуществлению государственных партнерских отношений с негосударственными структурами, различными институтами гражданского общества, направленными на защиту прав человека и законных интересов, а также развитию его организационно-правовых и институциональных механизмов. Потому что целенаправленная организация сотрудничества государственных и неправительственных организаций оказывает положительное влияние на обеспечение прав и свобод граждан и скорейшее решение проблем, с которыми сталкивается население. Поэтому число неправительственных организаций в развитых странах неуклонно растет, и в настоящее время их насчитывается более десяти миллионов. Например, в Соединенных Штатах зарегистрировано более 1,5 миллиона неправительственных организаций, 1,2 миллиона во Франции, 800000 в Великобритании и около 4,5 миллиона в Индии¹.

Во всем мире проводятся научно-исследовательские работы по изучению экономических, политических, правовых и инновационных аспектов взаимодействия государства и институтов гражданского общества. В связи с этим, важную роль играют такие исследования, как разработка научных критериев для изучения социального партнерства негосударственных структур с государственными органами, их вклад в развитие конкретной страны, благосостояния людей, выявление наиболее актуальных проблем общественных организаций в общественной жизни, привлечение внимания со стороны государственных органов, а также совершенствование правовых механизмов филантропической и фандрайзинговой деятельности различных неправительственных организаций.

В нашей стране проводятся широкомасштабные реформы с целью улучшения организационно-правовых основ сотрудничества и партнерства между государством и институтами гражданского общества. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы предусматривает развитие современных форм общественного контроля, повышение эффективности социального партнерства, развитие институтов гражданского общества, повышение их общественной и политической активности². А это требует сотрудничества государственных структур и институтов гражданского общества

¹ Проблемы гражданского общества // Обзор зарубежной литературы. –Т., 2018. Апрель. Редакции журнала «Фукаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society». – С. 23-28.

² Указ Президента Республики Узбекистан за № УП–4947 от 7.02.2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник законодательных документов Республики Узбекистан, 2017 г., – № 6., ст. 70.

в Узбекистане и дальнейшего развития правовых механизмов социального партнерства.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5308 от 22 января 2018 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», № УП-5430 от 4.05.2018 года «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны» и других нормативно-правовых актов.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Исследование проведено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Научные исследования, проведенные по теме диссертации за рубежом¹. Научные исследования в направлении совершенствования правовых механизмов сотрудничества государства и институтов гражданского общества ведутся в ряде ведущих научных центров и высших учебных заведений мира, в частности в таких университетах, как Johns Hopkins (США), Yale Law School (США), Washington University (США), The London School of Economics and Political Science (Великобритания), University College London (Великобритания), Universite Paris 1 Pantheon Н Sorbonne (Франция), Humboldt-Universitat zu Berlin, (Германия), University in Krakow (Польша), Московский государственный университет (Россия), а также Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Узбекистан).

На основе научных исследований по совершенствованию правовых механизмов сотрудничества между государственными учреждениями и институтами гражданского общества в зарубежных странах были получены следующие научные результаты: более широкое внедрение информационных технологий в деятельность «третьего сектора», включая сервисы франдрайзинг (мероприятия по сбору средств на благотворительность), онлайн списки организаций, специализированных новостных порталов, виртуальных ресурсных центров и платформ, а также научные основы других стартапов (Johns Hopkins); рекомендуется принять стратегические документы о сотрудничестве между государством и институтами гражданского общества и заключить официальное соглашение между правительством и государственным сектором (Humboldt-Universitat zu Berlin); необходимость создания конституционного органа - экономического, социального и

¹ Зарубежные научные исследования, проведенные по теме диссертации: www.jhu.edu; www.ecpr.eu; www.yalelawjournal.org; www.politicalsciencenow.com; www.etheses.lse.ac.uk; www.discovery.ucl.ac.uk; www.univ-paris1.fr; www.scholarship.law.duke.edu; www.law.msu.ru; www.dba.uz и другие источники.

экологического совета, уполномоченного выносить заключение по законопроектам (Universite Paris 1 Pantheon H Sorbonne); разработаны методологические основы организации общественных советов по социальному обеспечению (Краковский университет, University in Krakow); Общественная палата Российской Федерации, а также консультативные советы институтов гражданского общества на федеральном и региональном уровнях имеют научную основу (МГУ); обоснована необходимость принятия концепции, определяющей основные критерии развития институтов гражданского общества (Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан).

В мире ведутся научно-исследовательские работы по совершенствованию правовых механизмов взаимодействия государственных и общественных институтов, включая исследования по следующим приоритетным направлениям: формирование правовых механизмов фандрайзинговой и филантропической деятельности неправительственных организаций, содействие развитию международного сотрудничества между государствами и институтами гражданского общества, разработка правовых основ внедрения информационных технологий в деятельность неправительственных организаций, создание целостной концепции, определяющей основные критерии развития гражданского общества.

Степень изученности проблемы. В Узбекистане проведен ряд исследований, касательно тех или иных аспектов совершенствования правовых механизмов сотрудничества государства и институтов гражданского общества, благодаря чему существует общее представление и мнения в данном направлении.

Так, в нашей стране некоторые организационные, теоретические и правовые аспекты сотрудничества государства и институтов гражданского общества были изучены такими отечественными учеными-правоведами, как А.Азизхужаев, С.Адилходжаева, М.Ахмедшаева, А.Акилов, Х.Бобоев, И.Беков, Ш.Жалилов, Ш.Зулфикоров, З.Исломов, Б.Исмаилов, Г.Исмаилова, Г.Маликова, Х.Маматов, М.Миракулов, Ф.Мухитдинова, У.Мухамедов, Х.Одилкориев, Ф.Отаханов, М.Рахмонкулов, Ф.Рахимов, А.Рахимов, З.Рузиев, Х.Рузметов, А.Саидов, Ж.Тошкулов, И.Тультеев, А.Турсунов, А.Туляганов, И.Тургунов, Б.Тошев, М.Файзиев, Ш.Файзиев, Р.Хахимов, О.Хусанов, Д.Холманова, Э.Холова и Ш.Уразаев.

Социально-философские и социологические аспекты данной темы освещены в определенной степени в исследовательских работах А.Бегматова, С.Бердикулова, К.Джаваковой, Ш.Мамадалиева, Ф.Мусаева, политические аспекты - в исследованиях А.Жалилова, Н.Жураева, С.Жураева, К.Жураева, Т.Матибаева, М.Шарифхужаева и М.Киргизбоева.

Мнения и рассуждения о совершенствовании правовых механизмов сотрудничества государства и институтов гражданского общества также можно встретить в научных трудах ученых-правоведов стран СНГ А.Аузана,

Н.Боржелли, Г.Вайнштейна, В.Гриба, Ю.Ирхина, М.Марченко, Н.Матузова, О.Лейста, В.Любашица, В.Рябева, А.Сунгурова, В.Якимеца, Т.Янссона.

Ряд других зарубежных ученых, таких как К.Поппер, А.Смит, А. де Токвил, Ю.Хабермас, У.Эко, Ф.Хайек, Р.Бейтс, Р.Графштейн, Р.Гудин, Т.Коулба, М.Леви, Т.Моу, Е.Остром, Д.Риччи, К.Телен, А.Грамши, Э.Арато, Г.Дж.Берман, П.Бурдьё, Д.Кин, Дж.Козн также высказывали свои мнения о сотрудничестве государства и институтов гражданского общества¹.

Некоторые ученые сосредотачиваются на определенных аспектах этой темы в своих исследованиях. Например, Х.Одилкариев проанализировал законность гражданского общества, отношения между верховенством закона и гражданским обществом, а в исследованиях М.Миракулова - сотрудничество президента и институтов гражданского общества, в исследованиях И. Бекова - роль политической партии в парламентском формировании, в исследованиях Ж.Абдуллаева – сотрудничество государственного и гражданского общества, в исследованиях Ш.Джалилова, Г.Маликовой, Г.Исмоиловой и З.Рузиева – отношения органов махалли и государства, в исследованиях Х.Маматова – изучено участие институтов гражданского общества при повышении правовой культуры. Однако этот вопрос еще не был научно проанализирован в комплексной форме отдельным диссертационным исследованием.

Связь темы диссертационного исследования с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, в котором выполняется диссертация. Тема диссертации включена в план научно-исследовательских работ Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан «Актуальные проблемы государственного и общественного управления в Узбекистане», а также проведена в рамках приоритетных направлений научных исследований актуальных проблем государственного и общественного управления в Узбекистане.

Цель исследования - разработка предложений и рекомендаций по совершенствованию правовых механизмов сотрудничества государства с институтами гражданского общества.

Задачи исследования - реализация следующих целей:

уточнение понятий «институты гражданского общества», «электронные негосударственные некоммерческие организации»;

научное обоснование тенденций развития правовых механизмов взаимодействия государства и институтов гражданского общества;

